


*Ақил
ва
жадил*

Нурбой ЖАББОРОВ

МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ



Монография

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Адиб ва
жасмиан*

Нурбой ЖАББОРОВ

МАОНИЙ АҲЛИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Монография

ТОШКЕНТ
«АДАБИЁТ»
2021

Масъул муҳаррир: **Сирожиддин Саййид** – Ўзбекистон Халқ шоири

Тақризчилар:
Олим Давлатов – Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фонди директори, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Дилнавоз Юсупова – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

Ушбу монографияда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг шахс ва давлат арбоби сифатидаги фазилатлари, бунёдкорлик фаолияти янги талқинлар асосида ёритилган. Улуғ бобокалонимизнинг ирфоний ва адабий-эстетик олами билан боғлиқ ўзига хос илмий қарашлар илгари сурилган. Буюк бешлик – “Ҳамса” да ижодкор баъдий концепцияси, она образининг поэтик талқини юзасидан илмий-назарий фикрлар билдирилган. Алишер Навоий ижодиётининг миллат адабий-эстетик тафаккури тақомилига кўрсатган таъсири масалалари тадқиқ қилинган.

Монография адабиётшунос ва навоийшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7655-3-5

© «ADABIYOT», 2021

КИРИШ

Миллий истиқлол навоийшуносликнинг янги такомил босқичига кўтарилишига замин яратди. Мустақилликкача улуғ мутафаккир асарларининг ўн беш жилдлиги нашр этилган бўлса, миллий истиқлолга эришилгач, шоир асарларининг йигирма жилдлигини мутолаа қилиш имкони туғилди. Шўро-лар замоннда тўлиқ нашр этилиши мумкин бўлмаган “Насойиму-л-муҳаббат”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Сирожу-л-муслимин”, “Арбаъин” сингари асарлари дунё юзини кўрди. Гарчи ҳали тўлиқ илмий ечимини топмаган, мунозарали жиҳатлари кўп бўлса-да, шоир ижодида тасаввуф талқини масаласи кун тартибига кўйилди. Муножот, ҳамд ва наъглари муайян даражада ўрганилди. Лирик шеърлари, “Ҳамса”, насрий ва адабий-илмий асарлари буюк шоир дунёқарашининг асосларидан келиб чиқиб тадқиқ қилина бошлади. Шоир шеъриятида Қуръони карим оятларининг баъдий талқини масаласи монографик асосда алоҳида тадқиқ қилинди. Эришилган илмий натижалар навоийшуносликнинг муттасил ривожланишида эканини кўрсатади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида бўлган эътибор бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди дейилса муболаға бўлмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг